БУГУНГИ СОНДА:

"ToshuyjoyLITI" лойиҳалари – юртимиз чирой очишига катта ҳисса қўшмоқда



2-бет

Гемодиализ маркази қурилди



3-бет

Кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди



3-бет

ТОМЧИДА АКС ЭТГАН МИЛЛИОН ЗАРРА
ёхуд фавворалар фаровонлик тимсоли



6-бет


# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 35 (588)
2022 йил 17 май, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 май куни Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сермаҳсул парламентлараро мулоқот, шу жумладан, минтақавий форматда ҳам ривожланиб бораётгани, бу биродар халқларимизни яқинлаштиришга катта ҳисса қўшаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон томонини жорий йил 12-13 май кунлари Ашхобод шаҳрида халқаро тадбирлар – Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерациясининг биринчи Парламентлараро форуми ҳамда Хотин-қизлари мулоқоти муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади.

Устувор йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни илгари суриш мақсадида парламентлар даражасида фаол мулоқотларни давом эттириш ва тажриба алмашиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Парламентлараро форум ишини мунтазам йўлга қўйиш, Туркманистон пойтахтида унинг доимий фаолият юритадиган котибиятини тузиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Халқаро кун тартиби юзасидан, минтақавий ҳамкорликни давом эттириш ва кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги самарали шерикликни ривожлантириш, шу жумладан, Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 май куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Минни қабул қилди.

ШҲТ доирасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистоннинг Ташкилотга раислиги давридаги асосий тадбирларга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил учун режалаштирилган учрашув ва йиғилишларнинг ярми муваффақиятли ўтказиб бўлингани мамнуният билан қайд этилди. Самарқанд шаҳрида бўлажак ШҲТ саммити ҳужжатларини келишиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

Барқарорлик ва хавфсизлик учун хавф туғдираётган хатар ва таҳдидларга қарши курашишда Ташкилот салоҳиятини кучайтириш, "Шанхай руҳи" принциплари асосида кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Транспорт соҳасида ўзаро боғлиқлик, "яшил" энергетика, инновациялар, рақамли иқтисодиёт, саноат кооперацияси борасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Пандемиядан кейинги даврда фаол маданий-гуманитар алоқалар ва туризм алмашинувини қайта тиклаш лозимлиги ҳақида якдил фикр билдирилди.

Учрашувда халқаро кун тартибининг долзарб муаммоларига ҳам тўхталиб ўтилди. Афғонистон масаласида ШҲТ ролини ошириш ҳамда ушбу мамлакатни инфратузилмавий ривожланиш бўйича минтақавий дастурларга фаол жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

ТАНИШИНГ: "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИ



Кармана тумани "Янги Ўзбекистон" массиви лойиҳа сурати.





# "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИ
## аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилади



Қизилтепа "Янги Ўзбекистон" массиви лойиҳа сурати.


**Ҳилола ИСМАТОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.


**Сўнгги йилларда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонга хос бўлган қурилиш соҳасида замонавий бунёдкорлик ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида халқаро даражадаги бино ва иншоот мажмуалари билан бир қаторда, қишлоқ жойларда ҳам шаҳар шароитидаги аҳоли турар жойлари қад ростламоқда. Эътиборли жиҳати, йилдан-йилга қурилаётган уй-жойлар сони ортиб, уларни арзон нархларда сотиб олиш учун фуқароларимизга бир қатор қулайликлар яратиляпти.**

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-32-сонли Фармонига асосан, Навоий вилоятининг Кармана ва Қизилтепа туманларидаги 41 гектар ер майдонида "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши режалаштирилди.

Мазкур массивларда 2022 йилда 600 хонадонли 30 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Шу билан бирга, ушбу ҳудудларда аҳолига қулай шароитлар яратиш мақсадида ижтимоий соҳа объектлари қурилишига эътибор қаратилган бўлиб, 950 ўринли 1 та умумтаълим мактаби, 120 ўринли 2 та мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 2 та тиббиёт муассасаси барпо этилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, ҳудудда бозор инфратузилма объектлари, маҳалла маркази, аҳоли дам олиш маскани, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши ҳам белгиланган.

Режада муҳандислик тармоқлари бўйича 5,5 километр ичимлик суви тармоғи ва 2 та сув иншооти, 1,8 километр оқова суви тармоғи ва 1 та оқова сув иншооти, 25,8 километр электр, 3,5 километр табиий газ ҳамда 4,8 километр алоқа тармоқлари қурилади. Мазкур тармоқларни қурилиши вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси, "Ҳудудгаз-Навоий" ГТФ, "Навоий ҲЕТК" АЖ томонидан амалга оширилади. "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ ИК Навоий вилояти филиали томонидан массивларни қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Давлат экспертизасига тақдим этилган. Ҳудудларда қурилиши режалаштирилган ижтимоий соҳа объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачилигида тўлиқ ниҳоясига етказилганини таъкидлаш мумкин.

– Жорий йилда қурилиши режалаштирилган Кармана туманидаги 20 та ва Қизилтепа туманидаги 10 та 30 та кўп қаватли уй-жойлар учун танланган ер участкалари лотларга бўлиниб, барчаси "E-auksion" электрон тизими орқали аукцион савдоларига чиқарилди ва сотилди, – деди Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи в.в.б. Азамат Холмўминов. – Бунда Кармана тумани "Дўстлик" МФЙ ҳудудидаги массивда "Agromir Buildings" МЧЖ томонидан 14 та 280 хонадонли уй-жойлар, "Alisher Quruvchi Servis" хусусий корхонаси томонидан 4 та 80 хонадонли уй-жойлар, "Modern Building Company" МЧЖ томонидан 1 та 20 хонадонли уй-жойлар ва тадбиркор Умиджон Маматов томонидан 1 та 20 хонадонли уй-жойлар "E-auksion" электрон тизими орқали ютиб олинди. Қизилтепа тумани "Маликобод" МФЙ ҳудудидаги массивда "Agromir Buildings" МЧЖ томонидан 8 та 160 хонадонли уй-жойлар, "Shaxri-Nur 2022" МЧЖ томонидан 2 та 40 хонадонли уй-жойлар "E-auksion" электрон тизими орқали ютиб олинган. Аҳамиятли томони, бугунги кунда 30 та 600 хонадонли уй-жойларнинг барчасига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олинган ҳамда вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтган. Айни пайтда уларда қурилиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Навоий вилояти ҳудуди жиҳатдан республикамизда энг катта вилоят ҳисобланади. Турли миллат вакиллари ва маданиятлар уйғунлашган маскан. Вилоятда тикланаётган Архитектура намуналарида ҳам ана шундай ўзига хос хилма-хиллик кўзга ташланади. Шу боис, аҳоли пунктларини қуришда комплекс ёндашув асосида уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ҳудудларда ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, янги истироҳат боғлари ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт масканлари ҳам бунёд этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№35 (588) 2022 йил 17 май

# "TOSHUYJOYLITI" ЛОЙИҲАЛАРИ – юртимиз чирой очишига катта ҳисса қўшмоқда



Урганч шаҳрида қурилиши режалаштирилган 9 қаватли 54 хонадонли турар жой биноларининг таклиф лойиҳаси.



Қирғизистон Республикаси Батка вилояти Лейлек тумани Марғун қишлоғида 330 ўринли янги умумтаълим мактаби қуриш" лойиҳаси.



Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" стадионининг қурилиш таклифи лойиҳаси.

**Нуриддин НАРМАТОВ,**
"ToshuyjoyLITI" АЖ бош директори.

**Сўнгги йилларда юртимиз замонавий қиёфада қайтадан чирой очаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб келяпмиз. Шаҳару қишлоқларнинг бугунги имижини яратишда қурувчи-бунёдкорлар билан бир қаторда лойиҳа институтларининг ҳам ҳиссаси катта бўляпти. Зеро, мукаммал лойиҳагина мустаҳкам ва кўркам иноШоотлар яратишга замин бўлади. Бу вазифани "ToshuyjoyLITI" АЖ мутахассислари ҳам катта масъулият билан бажариб келишмоқда.**

"ToshuyjoyLITI" АЖ 1963 йил йилда ташкил этилган Марказий Осиёдаги зилзилага чидамли турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш бўйича етакчи муассаса – намунавий (типовой) ва экспериментал лойиҳалаштириш бўйича Тошкент зонали илмий-тадқиқот институти ҳамда турар жой ва фуқаролик биноларини лойиҳалашга ихтисослашган асосий институт – Тошкент турар жой биноларини лойиҳалаш институтини бирлаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 мартдаги қарори билан ташкил этилган.

Институтимиз мутахассислари томонидан кўплаб турар жой бинолари, маъмурий бинолар, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Буюртмачиларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда, уй-жой ва ижтимоий объектларни лойиҳалаштиришда асосан замонавий энергия тежамкор материаллар қўлланиляпти. Хусусан, минерал пахтали плита (минераловатная плита) тўсувчи конструкцияларни ташқи тарафдан қопланган ҳолда бинонинг йиллик иссиқлик энергияси сарфини 100 кWт/м$^2$ миқдоридан ошмаслик каби талаблар 9, 12 ва 16 қаватли турар жой бинолари лойиҳаларига татбиқ этилмоқда.

Хусусан, ўтган 2021 йилда Учтепа тумани прокуратура биносини реконструкция қилиш, Тошкент шаҳар, Олмазор туманининг Талабалар кўчасидаги "Кураш" миллий спорт тури марказини қуриш, Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги Боғ маҳалласи ҳудудидаги 12 қаватли 1 йўлакли турар жой биноси лойиҳасини ишлаб чиқиш, Бухоро вилоятида бокс мактабини қуриш, Қирғизистон Республикаси Боткен туманининг Марғун қишлоғидаги 330 ўринли янги умумтаълим мактаби қурилиши, Андижон шаҳар ҳокимлиги биноси қурилиши, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 2-мавзесида жойлашган 9 қаватли 2 йўлакли 63 хонадонли турар жой қурилиши каби яна кўплаб объектларнинг лойиҳа ишлари амалга оширилган.

2022 йил ҳам жамоамиз учун фаол ижодкорлик билан бошланди. "Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманининг "Фаровон" МФЙ ҳудудидаги кичик саноат зонасида жойлашган 5-Лот ва 6-Лот объектларини реконструкция қилиш, Тошкент вилояти ҳокимлиги АБК биносини реконструкция қилиш, Миллий гвардиянинг "Чавандозлар мактаби" Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги бино ва иншоотларини қуриш каби йирик лойиҳалар шулар жумласидандир.

Институт 62 та қурилиш меъёрлари ва қоидалари муаллифи ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида бир қатор норматив ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилди ва амалда қўллашга жорий этилди. Улардан, КМК 2.01.04-18 "Қурилиш теплотехникаси", КМК 2.01.18-2018 "Иситиш, вентиляция ва шамоллатиш қувватлари харажатлари меъёрлари", КМК 2.04.16-2018 "Қуёшли иссиқ сув таъминотини ўрнатиш", КМК 2.08.01-19 "Турар жой бинолари", КМК 3.03.04-2019 "Йиғма темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқиш" кабиларни айтиш мумкин.

Бундан ташқари, институтимиз томонидан республикамизда қурилиши режалаштирилган умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари лойиҳаларининг архитектуравий-техник талаблари амалдаги меъёр ва қоидаларга мослиги ҳам кўриб чиқилиб, хулоса берилади. Бунинг учун бизда барча шароит мавжуд. Қолаверса, замонавий компьютер технологиялари ва программалари билан ишлаши учун малакасини ошириш мақсадида 30 нафар мутахассисимиз "Business United engineering" ташкилотида "Autodesk Revit" йўналиши бўйича ўқиб чиқди. Улар архитектура, конструкция ва муҳандислик мутахассисликлари бўйича бир ойдан ортиқ вақт мобайнида ўқув курсларида ўқитилиб, тегишли сертификат билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикасида қурилиш жараёнининг барча иштирокчилари босқичма-босқич BIM технологиядан фойдаланишга ўтишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги "Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5577-сонли фармони ижросини таъминлаш ҳамда Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 29 июлдаги 11-сонли баённомасига асосан, институтимизда ягона ўқув маркази сифатида "Building Information Modeling Center" МЧЖ ташкил этилди.

"ToshuyjoyLITI" АЖнинг вилоятларда 10 та ҳудудий филиали ташкил этилган. Ҳудудий филиалларимиз томонидан 2020, 2021 ва 2022 йилги Давлат дастурларига киритилган умумтаълим мактаблари реконструкция ва янги қурилишлари, мактабгача таълим ташкилотлари реконструкциялари, қишлоқ оилавий поликлиника бинолари реконструкцияси, қум, шағал, клинец, шебен ва бетон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона қурилиши лойиҳалари, нотурар жойларни турар жойга ўтказиш бўйича лойиҳалар, кўп қаватли турар жой биноларини қурилиши лойиҳалари, маиший хизмат кўрсатиш маркази бинолари реконструкциялари, марказий деҳқон бозорлари реконструкциялари лойиҳалари, вилоятларнинг темир йўллари маъмурий бинолари лойиҳалари, вилоят халқаро аэропортининг чегара деворлари реконструкциялари каби кўплаб лойиҳа-смета ҳужжатлари бажариб келинмоқда.

Булардан ташқари, Тошкент архитектура-қурилиш институти билан ҳам шартномалар тузилган бўлиб, улар асосида ТАҚИ талабалари ўқиш жараёнидаги ва дипломолди амалиётини ўташмоқда. Институтимизда 10 га яқин ТАҚИ талабалари ўқиши давомида иш фаолиятини ҳам олиб боряпти. Институт мутахассислари Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Россия Федерацияси, Жанубий Корея ва Хитой Халқ Республикаларида семинарларда қатнашиб, малакаларини ошириб келишган. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг ТОО "TORTAY Engineering CO", Россия Федерациясининг АО "Казанский ГипроНИИАвиапром" ва Хитой Халқ Республикасининг "SHANGHAI CONSTRUCTION GROUP CO.LTD" компаниялари билан лойиҳалараро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Маҳаллий йирик ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик ва тажриба алмашиш ишлари амалга оширилиб, Меморандумлар имзоланган. "DISCOVERY INVEST" МЧЖ ва "MIMAR GROUP" МЧЖ ташкилотлари билан Ҳамкорлик меморандумлари тузилган.

Институт мутахассислари Қурилиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Техник жиҳатдан тартибга солишнинг норматив ҳужжатларини тизимли янгилаш, қайта ишлаш ва тасдиқлаш масалалари бўйича тармоқ илмий-техник кенгашларининг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Институтимиз томонидан ишлаб чиқилган барча лойиҳаларга ижобий экспертиза хулосалари олинган. Лойиҳа ташкилотлари томонидан муаллифлик назоратини олиб бориш қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳага қатъий амал қилган ҳолда ҳамда сифатли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳалаштирилган объектлар бўйича Бош лойиҳа муҳандислари масъул этиб тайинланган ҳамда назорат ишлари мунтазам график асосида олиб борилмоқда. Ҳар бир объект бўйича қурилишни тасдиқланган лойиҳа асосида олиб боришни таъминлаш мақсадида, муаллифлик назорати гуруҳ раҳбари ва бўлимлар бўйича алоҳида мутахассислардан иборат назоратчилар тайинланган. Ҳар бир объект учун муаллифлик назорати журнали тутилган бўлиб, лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари ва камчиликлар қайд этиб борилади. Муаллифлик назоратчилари Қурилиш назорат инспекцияси томонидан берилган кўрсатмалар бўйича буюртмачининг техник назоратчиси, пудрат ташкилоти мутахассислари билан биргаликда жойида кўриб чиқилиб, ечимлар қабул қилиняпти ҳамда ўз вақтида ҳал этилмоқда.

Бу вазифаларни бажаришда ўринбосар Ришат Кадиров, бош архитектор Абдували Гуламов, Техник бошқарма бошлиғи Шерзод Сарваров, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Тофиқ Муҳамедаминов, муҳандислик коммуникациялари бўлими бошлиғи Нигора Юлдашева каби ўз ишига масъулиятли ходимларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, кундан-кун ривожланиб, юксалиб бораётган юртимиз бунёдкорлиги йўлида институтимиз мутахассислари келажакда ҳам ўз ҳиссасини қўшишда давом этади.

# Магистрал йўллар – давлатнинг юзи



**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Равон йўл – жоннинг роҳати. Буни айниқса, йирик магистрал йўлларда ҳаракатланувчилар яхши билади. Ўзим ҳам шундай йўл орқали Самарқандга тез-тез бориб тураман. Одатда йўлларнинг сифатсиз қисмларидан зада бўлардик. Яқинда Самарқандга борганда қойил қолдик, йўлларнинг барча жойларига асфальт ётқизилиб, ҳаракатланиш хавфсизлиги таъминланган.**

Халқаро қуруқлик йўлида Ўзбекистон катта аҳамиятга эга. Бугун шундай йирик йўллар бевосита Самарқанд вилоятидан ўтади. Ўлкамиз Марказий Осиёдаги сайёҳлар қатнови ва аҳоли сони бўйича етакчи давлат. Вилоятда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 4 апрелдаги "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида йирик реконструкция ишлари олиб борилиб, халқаро аҳамиятдаги йўлларнинг ҳолати яхшиланди. Шунингдек, жорий йилнинг сўнггига қадар бундай ҳаракатланиш қисмларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пиёдалар учун М-39 автомобиль йўлининг Булунғур тумани марказидан ўтувчи 1059-километрида, Жомбой туманидан ўтувчи 1071-километрида, М-37 автомобиль йўлининг Самарқанд тумани ҳудудидан ўтувчи 4-километри ҳамда Нарпай тумани ҳудудидан ўтувчи 105-километрида пиёдаларнинг ер усти ўтиш жойларини қуриш кўзда тутилган.

Шу жумладан, М-39 автомобиль йўлининг Булунғур тумани марказидан ўтувчи 1058-километридаги ва Жомбой туманидан ўтувчи 1074-километридаги автомобиль қайрилиб олиш жойларида ер ости ёки ер устида йўл ўтказгичлар қуриш орқали ҳаракатланишни эркинлаштириш кўзда тутилган. Худди шундай йўл ўтказгичлар М-37 автомобиль йўлининг Оқдарё тумани ҳудудидан ўтувчи 7-километрида ва Нарпай тумани ҳудудидан ўтувчи 105-километридаги қайрилиб олиш жойларида ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

Йирик магистрал йўллар – давлатнинг юзи. Бу традиция қадимдан давом этаяпти. Хавфсиз, сифатли ва ишончли йўллар савдо карвонлари, почта-алоқа тизимининг ривожланишига асос бўлган. Бугунги кунда магистрал йўллар давлатлараро транзит юк ташувлари, сайёҳлик соҳаларининг даражаси билан узвий боғланган. Самарқанддаги реконструкция жараёнлари ҳам, албатта, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

# Чиқиндидан қўшимча маҳсулот олиняпти

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сўнгги йилларда республикамиздаги шаҳар ва туманлар, ҳатто қишлоқларда ҳам бошқа тармоқлар қаторида саноат ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, турли хилдаги истеъмолбоп маҳсулотлар тайёрланяпти.**

Бу ишларни янада барқарор йўлга қўйиш аввалида, саноат ишлаб чиқаришидан кўриладиган фойда ортида йиллар давомида шу йўналишда фаолият олиб бораётган корхоналар олдида кўндаланг бўлиб турган бир муаммо борки, унга ечим топишнинг вақти келди. Яъни, корхоналар ва бошқа ён-атрофларда кун сайин тўпланиб қолаётган техноген чиқиндилар экологик вазиятни ёмонлаштириб, инсон саломатлигига катта таъсир қилаётгани сабабли уларни қайта ишлаш даврнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур йўналишда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг тажрибали мутахассислари бир неча йилдан бери изланишлар олиб бориб, бу борада янги технология яратишга эришгани барчамиз учун қувончлидир. Жумладан, Мис эритиш заводининг Металлургия цехида конвертер тошқолларини майдалаш участкаси фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса техноген чиқиндилар таркибидаги мис, олтин ва кумушни ажратиб олиш даражасини ошириш орқали қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Ушбу лойиҳанинг аҳамияти шундаки, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ортиқча харажатларсиз амалга оширилмоқда. Мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш давомида алмаштирилган майдалагич (дробилка)дан воз кечилмасдан, аксинча, унга "иккинчи ҳаёт бахш этилди". Уни ишга тушириш учун 395 минг доллар маблағ сарфланди. Айни пайтда бу ерда мис штейнларини конвертерлашдан ҳосил бўладиган чиқиндилар (тошқоллар), айланма материалларини майдалаш ҳамда клинкер (руҳ ишлаб чиқариш жараёнидаги чиқинди) билан хомашё қоришмаси тайёрланиб, печда эритиляпти.

Шуни ҳам айтиш жоизки, авваллари комбинатда яратилган технология бўйича техноген чиқиндилар 2-Мис бойитиш фабрикасида (оралиқ масофаси 6 километр) қайта ишланиб, концентрат сифатида қайтариб олинар эди. Мана шунинг ўзида транспорт, ишчи кучи, ёнилғи ресурслари ҳамда бойитишда қўлланиладиган кимёвий реагентларга йўналтириладиган харажатлар ойига ўртача 587 млн сўмни ташкил этган бўлса, янги технология ишлаб чиқаришга жорий қилингач, йилига 7,04 млрд сўм маблағларни тежаш имконини берди.

Комбинат ташаббускорлари фақат шулар билан чекланмасдан яна бир янгилик яратиб, шу кунларда уни амалиётда синаб кўришяпти. Чунунчи, Руҳ заводини техноген чиқиндиларни қайта ишлашга жалб этиш орқали Металлургия цехи Ванюков печи, эритиш ва конвертер печларидаги табиий газни тежаб, қўшимча мис, олтин ва кумуш маҳсулотларини ажратиб олишга астойдил киришган. Тажриба кутилган самарани берса, йилига 59,2 млн доллар миқдорида даромад олиш имкони бўлади.

## TA'LIM MUASSASALARIDA

# SamDAQIda davra suhbati

**Rayhona XO'JAYEVA,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Institutda iqtidorli talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyatiga jalb etish va ularning ijodiy qobiliyatini qo'llab-quvvatlash maqsadida davra suhbati bo'lib o'tdi. Suhbatni institut ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor Abror Gadayev olib bordi.**







Iqtidorli talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyatini tashkil etish, xalqaro aloqalar bo'limi, fakultet dekanatlari hamda talabalar ishtirok etgan davra suhbatida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-son farmoniga asosan, O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida ko'rsatilgan "Oliy ta'lim muassasalarida ilmiy-tadqiqot ishlari natijadorligini oshirish, yoshlarni ilmiy faoliyatga keng jalb etish, ilm-fanning innovatsion infratuzilmasini shakllantirish to'g'risida"gi masalalar muhokama qilindi. Shuningdek, iqtidorli talabalarning yozgi ta'tilda bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish bo'yicha ham takliflar bildirildi.

# Diniy ekstremizm va terrorizm – yoshlar kelajagiga tahdid

**Toshkent arxitektura-qurilish institutida Ichki ishlar vazirligining Terrorizm va ekstremizmga qarshi kurashish boshqarmasi ma'sul xodimlari A. Karimov va Z. Xodjayeva ishtirokida "Diniy ekstremizm va terrorizm – yoshlar kelajagiga tahdid" hamda "Odam savdosi – davr muammosi" mavzularida ma'naviy-ma'rifiy uchrashuv tashkil etildi.**



Tadbirda ushbu mavzular yuzasidan taqdimot namoyish etildi hamda bir qator statistik ma'lumotlar berildi. Qizg'in bahs-munozaralarga sabab bo'lgan ushbu tadbir talabalarda katta taassurot qoldirdi.

# Navoiy arxitektura va qurilish texnikumida seminar




**O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tarkibidagi Navoiy arxitektura va qurilish texnikumida "O'quv va ishlab chiqarish amaliyotlarini tashkil etish" mavzusida Respublika ilmiy-amaliy seminari tashkil etildi.**

Ushbu seminarda respublika oliy ta'lim muassasalari mutaxassislari ham ishtirok etishdi. O'zaro fikr almashishga zamin yaratgan seminar davomida o'qiv va ishlab chiqarish amaliyotlari yuzasidan ta'lim muassasalarining eng yaxshi tajribalari haqida ma'lumot berildi.

**Тошкент вилояти**

# 82 ТА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШАДИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Статистик маълумотларга қараганда туризм дунё иқтисодиётида энг сердаромад соҳалардан бири ҳисобланар экан. Жорий йилнинг 26 апрель куни Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ҳамда инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида ҳам мавжуд имкониятларни ишга солиб, пандемиягача бўлган кўрсаткичларни тиклаш, хизматлар кўламини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинган эди.**

Бугунги кунда кенг кўламли бунёдкорлик ва таъмирлаш ишларини қарор топтириб, сайёҳларга қулай шароитлар яратиш борасида пойтахт вилоятида ҳам таҳсинга лойиқ юмушлар бажариляпти.

Якунланган йил ва жорий йилнинг ўтган даврида сайёҳлик соҳасида 1 триллион 107 миллиард сўмлик 62 та замонавий инвестиция лойиҳалари амалга татбиқ қилинди. Масалан, Ангрен шаҳрининг "Янгиобод" МФЙ ҳудудида "Истиқбол файз плюс" МЧЖ томонидан ўз маблағи ҳисобидан 50 миллиард сўмлик 220 ўринга мўлжалланган "Янгиобод санаторийси" бунёд этилиб, 60 нафар киши учун янги иш ўринлари яратилди. Бўстонлиқ туманида "Chinorkent" МЧЖ жамоаси ташаббусига кўра, 92,4 миллиард сўмлик замонавий дор йўли (канат) ташкил қилингач, 10 нафар фуқаронинг бандлиги таъминлангани баробарида, ҳозирги кунда ташриф буюрувчилар сони кун сайин ортмоқда. Жамият аъзолари айни пайтда бу ерда туристлар учун бошқа зарур инфратузилмаларни ҳам шакллантиришга киришган.

Тошкент вилояти матбуот хизматидан олинган маълумотларга кўра, айни пайтда ҳудудда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 8 та туристик фирма, 443 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилган. Бу орқали 2 минг 385 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, "Олтин ҳалқа" туризм концепцияси доирасида вилоятдаги янги сайёҳлик йўналишлари бўйича Бўстонлиқ, Паркент, Зангиота, Оҳангарон, Бўка, Чиноз туманлари ва Ангрен шаҳрида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги сайёҳлик манзилларини ташкил этиш баробарида, 90 километрдан ортиқ йўлларни замонга мос тарзда асфальтлаш, 200 га яқин туристик йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш, 70 дан ортиқ енгил конструкцияли қурилмалар орқали овқатланиш ҳамда 30 дан ортиқ санитар-гигиеник шохобчалар ўрнатиш ва 100 дан ортиқ "Wi-Fi" нуқталари ташкил қилиш ишлари фойдаланишга топширилди. Ана шундай имконият ва шароитлар ҳозирлангани туфайли 2021 йил вилоятдаги сайёҳлик масканларига келувчилар сони 2 миллион 338 минг нафарни, шундан, хорижлик сайёҳлар 80 минг нафарни ташкил этган. Жорий йил якунигача ҳудудда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи яна 10 та янги туристик фирма, 176 та замонавий оилавий меҳмон уйлари ва умумий қиймати 3,2 триллион сўмлик 82 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Бу борада вилоятда биринчи бўлиб оилавий меҳмон уйини ташкил қилиб, анча тажриба орттирган О. Юсупов Паркент тумани "Кумушкон" МФЙда 4 миллиард сўмлик хостел лойиҳасини амалга ошириш орқали 25 та янги иш ўрни ташкил этишни мўлжаллаган. Ангрен шаҳрида эса "Янгиобод Жемчужина Чаткала" МЧЖнинг хорижий инвестиция ҳисобидан 70 миллион долларлик осма дор йўли ва тоғ чанғи курорти лойиҳаси ишга туширилиши натижасида 50 нафар аҳоли учун иш ўрни яратилишига кафолат бор.

Сайёҳлик йўналишлари бўйлаб инглиз, рус, ўзбек тилларида йўл кўрсаткич белгилари ўрнатилади, туристлар ташриф буюрадиган объектларда "Wi-Fi" ҳудудлари ҳам ташкил этилади. Жойларда санитария-гигиена шохобчалари қайта таъмирланиб, янгилари қурилади. Бу ишлар ҳозирги кунда жадал бормоқда, улар охирига етказилиши билан вилоятда туризм ва унга йўлдош хизмат соҳаларида яна 10 минг 200 нафар аҳоли иш билан таъминланади.

Гап юртимизда сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириб, соҳани замон талабларига мослаштириш хусусида бораркан, жойларда янги иншоотларни бунёд этиб, келиб-кетувчиларга қулай шароитлар яратиш билан бирга бундай ҳудуд аҳолиси учун ҳам инфратузилмани яхшилаш юзасидан ҳукуматимиз зарур чораларни кўриб, кераклича маблағларни ажратиб бераётганини алоҳида қайт қилиш лозим. Мана шундай эътибор натижасида вилоятнинг Паркент туманидаги "Кумушкон" МФЙ, Оҳангарон туманининг "Кўксарой", "Эртошсой" ҳамда "Овжазсой" қишлоқларига "Туризм қишлоғи" мақоми берилди.

Бир сўз билан айтганда, пойтахт вилоятда соҳани янада юксалтириш мақсадида йўл қурилиши ҳамда бошқа бунёдкорлик ишларини амалга оширишга жиддий киришилган. Ҳудудга келувчи хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳлар сони 3 миллион 500 минг нафарга етиши тахмин қилинмоқда. Бу эса, вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши турган гап.

**Қорақалпоғистон Республикаси**

# ЗАМОНАВИЙ МАССИВЛАР ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,**
журналист.

**Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка овул ва қишлоқларгача замонавий қурилиш ишлари етиб борди ва улар қиёфаси бутунлай ўзгармоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан бошланган ишлар қизғин паллага кирган.**

Жорий йил Қораўзак, Кегайли ва Қонликўл туманларида "Янги Ўзбекистон" турар жой массивларини қуриш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2022-2026- йилларда Қонликўлда 2 430 квартирали 81 та уй-жой, Кегайли туманида 1 260 та квартирали 42 та, Қораўзакда 648 квартирали 22 та, жами 4 338 та квартирали 145 та турар жой қуриш учун ер майдонлари ажратиб берилди. Айни пайтда массивларнинг бош режалари "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилиб, лотларга бўлинган ҳолда ер участкалари аукцион савдоларига қўйилди.

– Мўлжалланган барча массивлар учун бири иккинчисини такрорламайдиган ўзига хос лойиҳалар ишлаб чиқилган, – деди "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали бош муҳандиси Онғарбай Уббиниязов. – Кўп қаватли уйларнинг лойиҳалари, савдо тармоқлари, ижтимоий объектлар бўйича, мактаб, болалар боғчаси, поликлиника иморатларининг қурилиши, болалар майдончаси, тадбиркорлик субъектлари учун қуриладиган иншоотларнинг лойиҳалари атрофлича таҳлил қилиб чиқилган. Газ, оқова сув, иссиқ сув, электр таъминотлари бўйича ҳам тежамкорликка эътибор қаратилди. Қурилишларда ишлатиладиган зарур материаллар ҳам узоқдан эмас, балки аксарияти шу жойда тайёрланаётгани эса ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймасликка имкон яратади ва уйларнинг нархлари ошиб кетишининг олдини олади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилганидан ҳудудда яшовчи кўп миллатли фуқароларимизнинг қувончи чексиз. Зеро, узоқ йиллар давомида Нукус шаҳридан бошқа туман ва шаҳарларда кўзга кўринарли ишлаб чиқариш корхоналари, бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмагани изчил ислоҳотлар жараёнида яққол кўриниб қолганини инкор этиб бўлмайди.

Президентимизнинг "Инсон қадри учун" тамойили асосида "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш бўйича бошлаган ташаббуси бошқа ҳудудлардаги сингари Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётганларни ҳам ўз гўшаларини янада обод қилишга ундамоқда. Масалан, Қонликўл туманидаги "Наврўз" ОФЙ аҳолиси ўз маҳалласида бошланаётган хайрли ишлардан мамнун. Ушбу фуқаролар йиғини асосан "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўли бўйида жойлашган. Массив учун айнан мана шу ҳудуд танланганининг боиси бор. Бу йўлни мустақил республикамизнинг иқтисодий қон томирларидан бирига қиёслаш мумкин. Чунки ушбу йўл орқали Қўнғирот, Мўйноқ, Орол денгизи бўйига борилади, сўнгра, Қозоғистондан ўтиб, Россия ва Европа давлатларига чиқилади.

Ана шу сабабли "Наврўз" массиви ҳудуди учун алоҳида лойиҳа тайёрланган. У 53,6 гектар майдонни ўз ичига олган бўлиб, шундан 14,3 гектарида 2022-2024 йилларда, 39,3 гектарида эса келажакда қурилиши режалаштирилган объектлар жойлашади. Жорий йилнинг ўзида 312 хонадонли 8 та 5 қаватли, яна 3 та 5 қаватли 24 хонадонли (1-қаватида савдо дўконлари) турар жойлар, 1 та 660 ўринли мактаб, 1 та 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла маркази комплекси, супермаркет ҳамда экобозор қурилиши режалаштирилган. 2023 йилда ҳам бу ишлар давом эттирилиб, 8 та 240 хонадонли 5 қаватли, 2024 йилда эса 6 та 180 хонадонли 5 қаватли, 3 йил давомида жами 732 хонадонли турар жойлар қад ростлаши кўзда тутилган. Шулар сингари келажакда 57 та 5 қаватли 1 710 хонадонли уйлар қурилиши учун ҳам ҳозирдан тадорик ишлари кўрилмоқда. Ана шунда ушбу массивда жами 2 442 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, минглаб кишиларнинг бу борадаги муаммолари барҳам топади.

– Ҳудудимизда бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви кун сайин бўй кўрсатяпти. Йил охиригача 11 та кўп қаватли бинолар қуриб битказилади, – деди Қонликўл тумани ҳокимлиги мутахассиси Ислом Медетбаев. – Демак, шу йилнинг ўзида 300 дан зиёд хонадон аҳли уй-жой билан таъминланади. Ҳозирги кунда ҳокимлик қошида тузилган ишчи гуруҳи томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва бир уйда бир неча оилалар истиқомат қилаётган фуқароларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилиб, рўйхати шакллантириляпти. Шунингдек, кам таъминланганларга имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратиш бўйича ишлар ҳам назардан четда қолгани йўқ. Булардан ташқари, янги массив ва туманимиз марказий йўл бўйида жойлашгани сабабли автомобиль йўлларини таъмирлаб, талаб даражасига келтириш, маҳаллаларимизнинг инфратузилмасини яхшилаш билан бирга бу ерда туризмни ривожлантиришга ҳам эътибор берилмоқда. Бунинг учун имкониятларимиз етарли, ишчи кучи ва зарур маблағ шакллантирилган.

Бугун массивда қудратли техникалар бир маромда ишлаяпти, тажрибали қурувчилар эса уйларнинг пойдеворини тиклаб, навбатдаги жараёнга киришишган. Бу ишларда 10 дан ортиқ қурилиш корхоналари соҳада орттирган тажрибаларини амалда татбиқ этишмоқда. Худди шу сингари Қораўзак туманидаги "Есим" ҳамда Кегайли туманидаги "Ақтуба" массивларида ҳам бу жараённи кузатиш мумкин.

**Наманган вилояти**

# Гул фестивалига чорлаймиз

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сўнгги йилларда юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқими кўпаймоқда. Чунки барча ҳудудларимизда ноёб тарихий ёдгорликлар, хушманзара дам олиш масканлари, диққатга сазовор жойлар жуда кўп.**

Юртдошларимизнинг ўзлари ҳам ички туризмга эътибор қаратишмоқда. Албатта, соҳани янада тараққий эттириш учун инфратузилмани кенгайтириш, сайёҳлар учун янада қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Улар орасида Наманганда ҳар йили ташкил этиладиган Халқаро гуллар фестивали ҳам алоҳида ажралиб туради.

Вилоят ҳокими ўринбосари Ботир Нуриддиновнинг айтишича, 2021 йили фестивалда бир миллионга яқин киши байрам шукуҳидан баҳраманд бўлган. Бу йил эса мазкур рақам қарийб икки баравар ортиши тахмин қилинмоқда. Меҳмонлар оқимини ҳисобга олиб, анжуман муддати икки ҳафтага мўлжалланяпти. Тайёргарлик ҳам шунга яраша олиб борилмоқда. Вилоят марказида 25 та меҳмонхона хизматга шай. Шаҳарга ёндош туманларда ҳам бундай жойлар ҳозирлаб қўйилди.



Одатдагидай, гуллар автопаради "Namangan Flowers – 2022" фестивалининг энг ёрқин қисми бўлади. Унда гуллар билан безатилган транспорт воситалари карвони шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб йўлга чиқади. Байрам дастуридан Адиблар хиёбонидаги гул савдолари, "Уч фаввора" майдонида ёшлар учун маданий тадбирлар, истироҳат боғида миллий ўйинлар ва спортчиларнинг чиқишлари ҳам ўрин олган. "Афсоналар водийси" паркида концерт ва театрлаштирилган саҳналар намойиш этилиб, гулчилик ривожига бағишланган конференция ташкил қилинади.

Тўрақўрғондаги "Ахсикент" очиқ осмон остидаги музейи, Чустдаги Мавлоно Лутфуллоҳ боғи, Чортоқдаги Султон Увайс Қароний мажмуаси сингари ўндан ортиқ тарихий-маданий ёдгорликларни ўз ичига олган сайёҳлик йўналишлари мунтазам ишлаб туради. Айни вақтда Наманганда нафосат байрамига тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда.

– Бошқармамиз жамоаси ўтган йили фестивалда муваффақиятли қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин олган эди, – деди вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшодбек Ниязов. – Бу гал ҳам янги композиция ва кўргазмаларни ҳавола этамиз.

Вилоятда 61-маротаба ўтадиган фестивалда норинликлар ҳам қатнашади. Улар Бобур номли боғда ўзлари учун ажратилган майдонда махсус экспозиция тайёрлаш билан банд. Унда туманнинг ўзига хос тимсоллари – Норин дарёси, боғ-роғлар ва гулзорлар акс этади.

Гуллар фестивалига тайёргарлик якуний босқичга кирди. 22 майдан бошланиб, 5 июнгача давом этадиган байрам барчани қизиқтириши шубҳасиз.

**Жиззах вилояти**

# Гемодиализ маркази қурилди

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жиззахда буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморларга хизмат кўрсатувчи тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.**



Вилоятда айнан ана шу хасталик билан оғриган беморлар шу пайтгача асосан кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанишар эди. Энди Шароф Рашидов туманида алоҳида нефрология ва гемодиализ туманлараро бўлими иш бошлади. Мазкур бўлимда буйрак етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларни даволаш мақсадида ишлатиладиган 10 та гемодиализ аппарати мавжуд. Уларнинг узлуксиз ишлаши учун сув тозалаш станцияси бир меъёрда сув етказиб беради. Эндиликда бу ерга келиши қулай туманлар аҳолиси ушбу муолажаларни шу ерда олиши мумкин.

**Қашқадарё вилояти**

# Кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori"мухбири.



**Қарши шаҳридаги Чўлқувар маҳалласида "Карвон строй" қурилиш компанияси 84 хонадондан иборат замонавий кўп қаватли турар жой мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширди.**

Ушбу турар жой мажмуаси атрофида қурувчилар ободонлаштириш, автотураргоҳ ва болалар майдончасини ҳам бунёд этишди. Шунингдек, турар жойнинг ертўла қисми ҳам сифат даражасида қурилган бўлиб, ҳозирда у ерда тадбиркорлар ўз фаолиятини бошлаб юборишган.

# Саноат соҳасидаги ислоҳотлар

**Мирзачўл туманида кейинги бир йилда 180 млрд сўмлик 5 та саноат лойиҳаси ишга туширилиб, 400 га яқин янги иш ўрни яратилди. Муҳими, икки йил ичида ўнлаб саноат корхоналари ва агрокластерлар йўлга қўйилиши туман иқтисодиётининг ўсишига, айниқса, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.**

Тумандаги кичик саноат зонасида ташкил этилган "Интергруп агро эксперт" МЧЖ таркибидаги "Гагарин газобетон" корхонаси бунга мисолдир. Ҳозирда газоблок қурилиш материалларини ишлаб чиқараётган корхона маҳсулотлари бинонинг ташқи ва ички деворларига мос бўлиб, енгил, пишиқ, муҳими, иссиқ ва совуққа чидамли. Бу маҳсулот ўзининг турдошлари бўлган шлакоблок ва пеноблоклардан анча мустаҳкам.

Туманда олиб борилаётган ислоҳотлар аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, ягона мақсад – инсон манфаатлари, юрт ободлиги ва фаровонлиги учун хизмат қиляпти.

# Зоминда боғлар барпо этиляпти

**"Яшил макон" умумиллий тадбирлари доирасида Зомин ўрмон хўжалигига қарашли тоғнинг 850 гектар майдонида манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари ўтқазилмоқда.**

Денгиз сатҳидан 1200-1400 метр баландликдаги қир бағрида асосан шарқ туяси, бодом, писта ва ўрик дарахтлари экилди. Мутахассисларнинг фикрича, шарқ туяси арчаси касалликка ва сувсизликка чидамли, ҳудуд иқлимига мос. Айни кунларда мазкур дарахтларнинг касалликка чалинмаганини аниқлаш мақсадида ўсимликлар карантини туман бўлими мутахассислари жалб этилган.

# Корхона ишга тушди

**Қарши шаҳридаги "Қавали" кичик саноат зонасида вилоятда биринчи сендвич панеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**




Ҳозиргача ушбу маҳсулотлар Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятларидан олиб келингани учун кўп вақтни олиб, нархнинг ошишига сабаб бўлаётганди.

Лойиҳа қиймати қарийб 9 млрд сўмни ташкил этган корхона 14 минг 500 квадрат метр сендвич панеллар ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада 30 та иш ўрни ҳам яратилган.

# "Янги Ўзбекистон" массивида тақдимот ўтказилди

**Вилоят марказидаги "Чаман" МФЙ ҳудудининг 64,6 гектар майдонида "Янги Ўзбекистон" массиви қурилиши бошлаб юборилди. Шу муносабат билан массивнинг лойиҳа тақдимоти ўтказилди.**

Лойиҳага кўра, 48 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Шундан, 18 тасини 16 қаватли, 22 тасини 12 қаватли ва 8 тасини 9 қаватли уйлар ташкил этади. Массивда "Янги Ўзбекистон боғи", унинг таркибида амфитеатр, болалар ва спорт майдончаси ҳам қурилади. Шунингдек, 2 та умумтаълим мактаби, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника, маҳалла маркази ва тадбиркорлик биноси, савдо мажмуаси қурилади.

## Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию Проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-46 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Сангзор" Бахмальского района Джизакской области | 1 513 267 551 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-11 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Молгузар" Бахмальского района Джизакской области | 4 913 812 339 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-47 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Узунбулок" Бахмальского района Джизакской области | 2 809 798 213 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-33 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Маданият" Бахмальского района Джизакской области | 2 585 687 242 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-41 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Куштол" Зааминского района Джизакской области | 2 791 488 681 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-34 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Нурликент" Зааминского района Джизакской области | 5 016 125 544 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-28 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Юксалиш" Зааминского района Джизакской области | 3 133 884 593 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-27 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Турттом" Зааминского района Джизакской области | 1 392 135 791 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-21 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Пшагар" Зааминского района Джизакской области | 2 557 160 963 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-14 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Бешкуби" Зааминского района Джизакской области | 4 187 118 855 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-26 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Чорвадор" Зааминского района Джизакской области | 2 556 946 168 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-18 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Дуоба" Зааминского района Джизакской области | 1 352 532 068 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-16 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Галлакор" Зааминского района Джизакской области | 2 404 520 862 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-29 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Яссикечув" Фаришского района Джизакской области | 2 854 702 225 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-42 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Кораобдол" Фаришского района Джизакской области | 5 401 601 541 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-44 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Мустакиллик" Фаришского района Джизакской области | 3 049 668 911 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-45 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Нарвон" Фаришского района Джизакской области | 2 126 748 843 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-48 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Учма" Фаришского района Джизакской области | 2 654 923 556 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-13 | Текущей ремонт внутренних дорог СГМ "Темиркадам" Бахмальского района Джизакской области | 4 929 779 129 сум без НДС |

### Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при областном хокимияте Джизакской области

приглашает подрядчиков принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Джизакской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 270 000 сум.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области**<br>**Адрес:** ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж)<br>**Факс:** (72) 771-64-31.<br>**Тел.:** (99872) 771-64-32.<br>**E-mail:** jiztender@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001<br>Джизакский филиал<br>АКИБ "Ипотека-банк"<br>**ИНН:** 202 411 803 **МФО:** 00122 |

**Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Банковская гарантия на сумму *(сум)* |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-46 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Сангзор" Бахмальского района Джизакской области | 30 300 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-11 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Молгузар" Бахмальского района Джизакской области | 98 300 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-47 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Узунбулок" Бахмальского района Джизакской области | 56 200 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-33 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Маданият" Бахмальского района Джизакской области | 51 700 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-41 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Куштол" Зааминского района Джизакской области | 55 800 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-34 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Нурликент" Зааминского района Джизакской области | 62 700 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-28 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Юксалиш" Зааминского района Джизакской области | 27 800 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-27 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Турттом" Зааминского района Джизакской области | 51 100 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-21 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Пшагар" Зааминского района Джизакской области | 83 700 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-14 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Бешкуби" Зааминского района Джизакской области | 51 100 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-26 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Чорвадор" Зааминского района Джизакской области | 27 000 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-18 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Дуоба" Зааминского района Джизакской области | 48 100 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-16 | Реконструкция системы электроснабжения в СГС "Галлакор" Зааминского района Джизакской области | 144 300 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-29 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Яссикечув" Фаришского района Джизакской области | 57 100 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-42 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Кораобдол" Фаришского района Джизакской области | 108 000 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-44 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Мустакиллик" Фаришского района Джизакской области | 61 000 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-45 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Нарвон" Фаришского района Джизакской области | 42 500 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-48 | Реконструкция системы электроснабжения в СГМ "Учма" Фаришского района Джизакской области | 53 100 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-13 | Текущей ремонт внутренних дорог СГМ "Темиркадам" Бахмальского района Джизакской области | 98 600 000 |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 часов (по ташкентскому времени) 2 июня 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**
Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве.
**Адрес:** ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).
**Факс:** (72) 771-64-31. **Тел.:** (72) 771-64-32. **E-mail:** jiztender@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** Мирзакобилов Турсунбой.

## Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию Проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-30 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Ойкор" Бахмальского района Джизакской области | 8 920 662 628 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-31 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Молгузар" Бахмальского района Джизакской области | 4 035 582 859 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-12 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Сангзор" Бахмальского района Джизакской области | 5 941 533 683 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-32 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Музбулок" Бахмальского района Джизакской области | 7 274 934 569 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-35 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГС "Гулшан" Зааминского района Джизакской области | 5 120 143 897 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-36 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Юксалиш" Зааминского района Джизакской области | 2 253 364 855 сум без НДС. |
| MOEI-RIDP-DJI-W-37 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Турттом" Зааминского района Джизакской области | 2 544 639 460 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-38 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Бешкуби" Зааминского района Джизакской области | 4 081 688 922 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-39 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Чорвадор" Зааминского района Джизакской области | 2 913 842 852 сум без НДС |
| MOEI-RIDP-DJI-W-49 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Хужамушкент" Янгиабадского района Джизакской области | 2 546 508 365 сум без НДС |

### Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при областном хокимияте Джизакской области

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проходить в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Джизакской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 270 000 сум.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области**<br>**Адрес:** ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж)<br>**Факс:** (72) 771-64-31<br>**Тел.:** (99872) 771-64-32<br>**E-mail:** jiztender@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Джизакской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001<br>Джизакский филиал<br>АКИБ "Ипотека-банк"<br>**ИНН:** 202 411 803 **МФО:** 00122 |

**Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сумма банковской гарантии *(сум)* |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-30 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Ойкор" Бахмальского района Джизакской области | 178 400 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-31 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Молгузар" Бахмальского района Джизакской области | 80 700 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-12 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Сангзор" Бахмальского района Джизакской области | 118 800 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-32 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Музбулок" Бахмальского района Джизакской области | 145 500 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-35 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГС "Гулшан" Зааминского района Джизакской области | 102 400 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-36 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Юксалиш" Зааминского района Джизакской области | 45 000 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-37 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Турттом" Зааминского района Джизакской области | 50 900 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-38 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Бешкуби" Зааминского района Джизакской области | 81 600 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-39 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Чорвадор" Зааминского района Джизакской области | 58 300 000 |
| MOEI-RIDP-DJI-W-49 | Строительство систем питьевого водоснабжения в СГМ "Хужамушкент" Янгиабадского района Джизакской области | 50 900 000 |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 часов (по ташкентскому времени) 7 июня 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**
Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве.
**Адрес:** ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).
**Факс:** (72) 771-64-31. **Тел.:** (72) 771-64-32. **E-mail:** jiztender@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** Мирзакобилов Турсунбой.

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Май ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Воҳид Тоғбоев,**

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси хўжалик ишлари мудири **Алимардон Зиёдуллаев,** Пахтакор тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Асқар Йегамқулов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қоровули **Мамир Ниятқулов,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник холатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Турғунпўлат Ҳусанов,** Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Азамжон Қаххаров,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси Аҳоли пунктлари, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Озоджон Раҳматов,** Оқдарё тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Жамшид Абдуллаев,**

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси **Жавлонбек Салиев,** Гулистон шаҳар қурилиш бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича архитектор **Аҳмаджон Исоев,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш бўлими бошлиғи **Давлатбек Нишонов,**

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Фахриддин Ахмедов,** етакчи инспектор **Ахмед Машарибов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан:**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

**2022 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан**

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2022 йил 17 май.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойлар қуришнинг молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Тошкент вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

**4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига мурожаат қилишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44, **тел.:** 95-512-15-32, 512-15-22.

5. Танлов ҳужжатларини нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги **шаклда юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат** қилишлари мумкин:

“______вилояти, ________тумани, ___________массивидаги, ________ лот ____та кўп қаватли уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.”

Танлов ҳужжатларини эълони чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг (2021 йил 1 сентябрь ҳолатига – 270 000 сўм).

**Реквизит:** АТБ “Asia alliance bank” Олмазор филиали МФО 01102 СТИР 300 017 720 ҳ/р 2021 0000 5045 4602 7001.

**6. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган консалтинг марказига;

таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтигача;

танлов ҳужжатларида белгиланган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

кўп квартирали уй-жойларни жойлаштириш бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;

квартиранинг бир квадрат метри (1 $м^2$) реализация нархи;

уй-жойни ўз маблағи ҳисобидан қуриш учун етарли маблағи мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.

7. Танлов таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти ҳокимияти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.

**8. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 3 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган объект майдони $м^2$ |
| Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 250 000 000 | 2 750 000 000 | 500 | 875 | 1875 |

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Квартиралар сони | 5 қаватли бир подъездли 20 квартирали 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | квар-тира | Уй рақам | |
| ТВ-16-02п | Паркент тумани | Қўрғонтепа | 20 | 1 | 20 | 1-2 | 2022 йил 27 май, соат 10.00 |
| ТВ-16-03п | Паркент тумани | Қўрғонтепа | 20 | 1 | 20 | 1-3 | 2022 йил 27 май, соат 10.00 |
| ТВ-13-01п | Қуйичирчиқ тумани | Ибрат | 20 | 1 | 20 | 1-1 | 2022 йил 27 май, соат 10.00 |
| ТВ-10-01т | Бўстонлиқ тумани | Истиқлол | 20 | 1 | 20 | 1-1 | 2022 йил 27 май, соат 10.00 |

**ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

# “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ

**очиқ танлов савдоларига таклиф этади!**

**“Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2022 йил 13 майдаги 139-сонли буюртманомасига асосан, қурилиши режалаштирилаётган қуйидаги савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

1. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 44 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 16,5 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 266 640 000 сўм.

2. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 12 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 18 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 290 880 000 сўм.

3. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 6 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 33 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 533 280 000 сўм.

4. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 2 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 35,7 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 576 912 000 сўм.

5. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 20 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 36 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 581 760 000 сўм.

6. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 2 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 39 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 630 240 000 сўм.

7. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчаларининг сони** – 58 дона, **савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони** – 24 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси** – 380 568 000 сўм.

8. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчасининг сони** – 1 дона, **савдо шохобчасининг майдони** – 17 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси** – 380 568 000 сўм.

9. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчасининг сони** – 1 дона, **савдо шохобчасининг майдони** – 25,8 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси** – 409 110 000 сўм.

10. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган **савдо шохобчасининг сони** – 1 дона, **савдо шохобчасининг майдони** – 17,7 квадрат метрдан иборат, **савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси** – 280 700 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 14 июнь куни соат 16.00 гача.

**Талабгорларнинг таклифлари 2022 йил 16 июнь куни соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 30 июнь, 14, 28 июль, 11, 25 август, 8, 22 сентябрь, 6, 20 октябрь кунлари сотулгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий савдолар учун ариза буюртманомаларнинг қабул қилиш танлов ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 гача.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этишади:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

**жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2053 3172 3001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган санадан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Азимов 5-тор кўчаси, 5-“а” уй.

**Телефон:** 99-277-07-40.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**Аукцион савдога ҚК “Ўз Кейс Сервис” МЧЖнинг 2022 йил 11 майдаги UCS-174-сонли такрорий буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 434-уйда сақланаётган қуйидаги қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмларидан иборат асосий воситалар қўйилмоқда:**

| № | Артикул | Эҳтиёт қисм номи | Миқдори | Эҳтиёт қисмларнинг бир донасининг бошланғич баҳоси (млн сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 5151196 | SPACER | 24 | 2 277 719,19 |
| 2. | 231014A1 | CAP | 91 | 144 877,86 |
| 3. | 86505064 | GEAR, RING | 21 | 686 293,82 |
| 4. | 89508434 | SENSOR | 57 | 327 777,64 |
| 5. | LQ15V00007S077 | BEARING, BALL | 8 | 1 824 682,08 |
| 6. | 1349400C1 | TUBE | 101 | 121 933,55 |
| 7. | 87740275 | VALVE | 1 | 8 547 823,95 |
| 8. | 1277406C2 | PIN, BALL | 24 | 46 777,66 |
| 9. | 1979901C5 | RAIL | 13 | 71 763,76 |
| 10. | 84447206 | REEL | 6 | 1 260 590,15 |
| 11. | 84317777 | RASP BAR | 160 | 37 932,96 |
| 12. | 89511175 | BOARD, PRINTED CIRCU | 9 | 589 085,46 |
| 13. | 5094514 | SPACER | 24 | 255 130,85 |
| 14. | 5189826 | CLUTCH | 4 | 1 488 952,79 |
| 15. | 276971A1 | CYLINDER | 13 | 103 102,24 |
| 16. | 149836C4 | TURNBUCKLE | 19 | 25 389,54 |
| 17. | 87380913 | SUPPORT | 5 | 1 295 141,21 |
| 18. | 51332307C | RIM ASSY | 2 | 2 669 795,68 |
| 19. | 86990264 | MODULE | 3 | 818 983,57 |
| 20. | 1979900C5 | RAIL | 6 | 74 569,30 |
| 21. | 233254A1 | BEARING ASSY | 35 | 81 359,12 |
| 22. | 114856A1 | VALVE | 4 | 36 759,74 |
| 23. | 1964916C3 | PIN | 4 | 32 847,46 |
| 24. | 149699C6 | CYLINDER ASSY. | 11 | 728 219,70 |
| 25. | 81867734 | SWITCH ASSY | 53 | 55 823.54 |
| 26. | 5151197 | EXTENSION | 12 | 224 257,86 |
| 27. | 1963811C2 | BRAKE DISC | 54 | 2 023,46 |
| 28. | 5094515 | TENSIONER | 24 | 107 649,66 |
| 29. | 51332177 | SUPPORT, AXLE | 11 | 180 320,55 |
| 30. | 191121A1 | VALVE | 39 | 54 431,99 |
| 31. | 1340195C2 | GLASS | 5 | 223 577,74 |
| 32. | 76192987 | KIT | 6 | 396 953,58 |

| № | Артикул | Эҳтиёт қисм номи | Миқдори | Эҳтиёт қисмларнинг бир донасининг бошланғич баҳоси (млн сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 33. | YN13E01634P1 | HARNESS, WIRE | 1 | 2 258 228,83 |
| 34. | 186760A6 | VALVE | 3 | 818 112,60 |
| 35. | 4718319 | STUD | 38 | 60 230,87 |
| 36. | 51332229 | ROD | 7 | 249 623,24 |
| 37. | YN13E01606P1 | HARNESS, WIRE | 1 | 2 157 385,83 |
| 38. | 100219C1 | PULLEY | 10 | 230 365,08 |
| 39. | 432749A1 | BAR | 5 | 386 220,19 |
| 40. | 84368627 | SUPPORT | 1 | 2 719 319,79 |
| 41. | 87802257 | VALVE, INLET, OVERSI | 12 | 81 718.59 |
| 42. | 87392831 | HARNESS, WIRE | 3 | 724 933,95 |
| 43. | 47126701 | DAMPER | 4 | 384 373,06 |
| 44. | 59124C91 | CLAMP | 144 | 5 611,89 |
| 45. | 1326467C1 | CLAMP | 15 | 10 732,85 |
| 46. | 123267A1 | PINION CARRIER | 1 | 1 426 612,64 |
| 47. | 321564100 | SENSOR | 7 | 47 601,15 |
| 48. | 51342011C | CHAIR | 1 | 1 505 102,24 |
| 49. | 103866A2 | COUPLING | 3 | 26 291,06 |
| 50. | 134850A1 | VALVE | 1 | 79 262,83 |
| 51. | 87283315 | V-BELT | 10 | 148 859,76 |
| 52. | 87598803 | PLATE | 23 | 42 836,68 |
| 53. | 5094565 | BOLT | 48 | 26 294,83 |
| 54. | 305523A2 | MODULE | 2 | 307 376,67 |
| 55. | 407118A2 | CONTROL UNIT | 2 | 251 560,05 |
| 56. | 84453595 | CLUTCH | 1 | 982 902,51 |
| 57. | 428858A1 | SPACER | 115 | 8 529,19 |
| 58. | 84461197 | SPROCKET, DRIVEN | 6 | 185 769,84 |
| 59. | 16241274 | BOLT | 144 | 7 278,86 |
| 60. | 51336251 | PIPE | 51 | 15 353,76 |
| 61. | 1266968C1 | YOKE | 6 | 23 290,43 |
| 62. | 322314100 | FILTER RECEIVERDRYER | 3 | 136 434,96 |
| 63. | 100283A1 | POTENTIOMETER | 4 | 34 921,93 |
| 64. | 489767R92 | CHAIN (AGRICULTURE) | 18 | 37 519,25 |
| 65. | 87109828 | SIEVE | 1 | 3 134 186,13 |
| 66. | 229936A1 | SHIM | 62 | 644,82 |

| № | Артикул | Эҳтиёт қисм номи | Миқдори | Эҳтиёт қисмларнинг бир донасининг бошланғич баҳоси (млн сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 67. | 5094584 | BUSHING | 48 | 17 163,03 |
| 68. | 131686A1 | ROD | 15 | 4 749,00 |
| 69. | 5186527 | STUB AXLE/ STEERING S | 1 | 654 619,29 |
| 70. | 51337649 | SUPPORT | 2 | 316 505,34 |
| 71. | 395776A1 | TURNBUCKLE | 6 | 56 867,32 |
| 72. | 3079359R91 | BRUSH, COMMUTATOR | 5 | 20 691,62 |
| 73. | 628-20060 | SCREW | 48 | 1 155,87 |
| 74. | 436719A1 | BAR | 4 | 110 314,19 |
| 75. | J908806 | HUB | 1 | 126 212,44 |
| 76. | 398550A2 | PLATE | 4 | 48 091,02 |
| 77. | 87413974 | HUB | 4 | 82 985,68 |
| 78. | 84026460 | KIT, SEALS | 2 | 112 468,52 |
| 79. | 436740A1 | BAR | 4 | 73 971,36 |
| 80. | 436743A1 | LINK | 2 | 137 038,76 |
| 81. | 322061750 | BUSHING, DRIVE | 1 | 106 841,69 |
| 82. | 90409C1 | BEARING, FLANGED | 31 | 5 448,97 |
| 83. | 87729145 | SUPPORT | 3 | 56 696,45 |
| | **Жами** | | | **259 364 020,66** |

Аукцион савдолар **2022 йил 1 июнь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 27 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги эҳтиёт қисмлардан иборат асосий воситалар **2022 йил 1 июнь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 15, 29 июнь, 14, 28 июль, 11, 25 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо кунидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” газетасига
2022 йилнинг иккинчи ярмийиллиги учун обуна давом этмоқда!
Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz
Обуна индекси 466

# ТОМЧИДА АКС ЭТГАН МИЛЛИОН ЗАРРА

## ёхуд фавворалар фаровонлик тимсоли

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сув нафақат тириклик, балки поклик ва беғуборлик тимсоли ҳамдир. Бежизга ёши улуғ кишилар ёмон туш кўрсанг, сувга айт, деб маслаҳат беришмайди. Қолаверса, сувда инсонни тинчлантириб, миясини дам олдирувчи хусусият ҳам мужассам. Шу боис, турли фавворалар, шаршара ёки шунчаки оддий ариқ бўйида шилдираб оқиб турган сувга боқиб ўтирган киши ҳам ўзини қайтадан кучга тўлгандек ҳис қилса, ажаб эмас.**



Юртимизга ёз фаслининг ташрифи бир неча йиллардан буён “Фавворалар куни” билан бошланиши анъанага айланди. Аниқроғи, 2014 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ҳукумати ҳар йили 1 май куни Тошкентда “Фавворалар куни”ни нишонлаш тўғрисида қарор чиқаргандан буён пойтахтда бу байрам катта тантана билан ўтказилмоқда. Айнан шу кунда шаҳардаги барча катта-кичик фавворалар ишга тушади. Сўлим баҳор ўз навбатини иссиқ ёзга тақдим этаётган пайтда бу байрамни нишонлаш юртдошларимиз учун аллақачон севимли одатга айланиб улгурди.

Ўша куни гўзал пойтахтимизнинг турли манзилларида самога сачраётган томчиларнинг миллионлаб зарралари ён-атрофни салқин ва баҳаво гўшага айлантиради. Қуёш нурида рақс тушаётгандек жилваланаётган митти томчиларнинг беқиёс ранглари табиат билан уйғунлашиб дилларга ўзгача шукуҳ ва қувонч бағишлайди. Бу кунда пойтахт аҳли ва меҳмонлари кўчалар ва боғлар, турли ташкилотлар ва муассасалар олдидаги фавворалар билан янада гавжумлашади. Марварид доналаридек ўйноқлаб тепага отилаётган томчилар минг бўлакка бўлиниб, яна қайтиб пастга тушаверади, тушаверади... Бу жараённи кузатган сари кишининг кайфияти кўтарилиб, завқи ошади. Асаблари тинчланиб, фақат яхши нарсалар ҳақида ўйлашни бошлайди.

Фан-техниканинг энг катта ютуқларидан ҳисобланган фавворалар қурилиши юртимизда жуда қадимдан ривожланган. Фаввора – сунъий босим остида юқорига отилувчи сув оқими ва уни ҳосил қилувчи иншоот ҳисобланади. Дастлаб фаввораҳдан ичимлик суви манбаи сифатида ҳам фойдаланилган бўлиб, кейинчалик шаҳар майдонлари, сарой ва боғларни безаш, ҳавони салқинлаштириш воситаси сифатида қўлланилган. Фавворалар қудуқ, чашма, ҳовуз каби сув иншоотлари билан боғлиқ бўлиб, унда меъморлар томонидан оқар сувнинг бадиий-эстетик жиҳатлари ва шифобахшлиги намоён қилинган. Қадимги даврда меъморий мажмуалар марказини белгилашда дарахт ва ҳайкаллар билан бир қаторда фавворалар ҳам муҳим ўрин тутган.

Европада Уйғониш даври ва Барокко даврларида сарой ҳамда боғларда фавворалар муҳим ўрин эгаллаган. Ўша пайтда қурилган фавворалар улуғворлиги билан ажралиб туради. Туркиядаги илк фаввора – чашмалар уй деворига туташ пештоқсимон ярим доира шийпон ёки ротонда ичига қурилган. XVIII асрдан бошлаб фавворалар очиқ майдонларда мураббa, кўпбурчак ёки доира тарҳли қилиб қурилган ҳамда мармар билан қопланиб, бежирим кўринишга эга бўлган. Сиртлари равоқлар, жез панжаралар билан безалган.

Ўрта Осиёда фаввора қурилиши XIV–XV асрларда кенг ривожланган. Амир Темур боғларига ишланган фавворалар ҳақида ёзма маълумотлар сақланган. Бу фавворaларга сувлар махсус мосламалар (сопол қувурлар)-дан келиб, ҳовузларга тушиб, ариқчалар орқали ташқарига оқиб чиққан. Ҳовуз атрофи ҳар хил рангдаги мармар тошлар, ранг-баранг гуллар тасвири билан безатилган. Ҳовузларга қуйиладиган ариқчаларнинг қирғоқлари ҳам мармар тошлар билан қопланган. Қўлёзма китоблар, масалан, Навоийнинг “Хамса”, Бобурнинг “Бобурнома” асарларига ишланган миниатюраларда ҳам фаввора намуналари акс эттирилган. Испания элчиси Клавихо 1404 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Амир Темурнинг Дилкушо боғида бўлганида беҳад ҳайратга тушган. Чунки бу ерда усталик билан қурилган фавворaларни у аввал ҳеч қаерда учратмаган эди. Кейинчалик у ўз таассуротларини қуйидагича баён этган: “Подшоҳ махсус қурилган баланд ўриндиқда ўлтирар ва унинг олдида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...”.

Бугунги кунда фавворaларсиз бирорта шаҳарни тасаввур қилиш мушкул. Ҳатто бу соҳа бўйича махсус мутахассислар фаолият юритиб, энг баланд ва чиройли фавворалар қуриш бўйича дунё миқёсида беллашувлар ҳам ўтказилади. Улар кишиларга эстетик завқ беришдан ташқари, яна кўплаб хусусиятларга эга. Бу ҳақда мутахассислар қандай фикрда?

– Фавворалар учун энг аввало, кенгроқ жой керак, – дейди архитектура фанлари доктори Абдуманноп Зиёев. – Иккинчидан, фаввора остида албатта, муҳандислик тарафидан насослар турадиган жой бўлиши керак. Кўп сув шарт эмас, водопровод трубаси бўлса бўлди. Сув бир марта киргандан кейин яна қайта айланаверади. Маълум муддатдан сўнг сув тозаланиб, алмаштирилади. Шу тариқа фаввора ташкил қилиш мумкин. Ҳозирги кунда компьютерлар ёрдамида замонавий усулларда фавворалар яратиш технологиялари мавжуд. Шу боис, фавворaларнинг имконияти ҳам жуда катта. Тошкент шаҳри учун фавворaларни кўпроқ қуриш замон талаби. Қолаверса, фавворалар шаҳар иқлимига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Фавворанинг остидаги намлик ёнидаги иншоотлар учун табиий кондиционер вазифасини ҳам бажаради. Қадимда ҳозиргидек замонавий кондиционерлар бўлмаган. Фавворалар айнан шу мақсадда яратилган. Бу иншоот муҳандислик жиҳатдан мураккаб қурилма. Чунки у фақат сувни ташкил қилиш, қувурларни ўрнатиш ёки ўртасидаги асосий сув берадиган ечимга эга бўлган шаклни вужудга келтириш эмас. Фаввора куч билан тепага чиқадиган суюқлик деган маънони билдиради. Унинг табиий ва сунъий турлари мавжуд. Ҳозиргиларнинг ҳаммаси сунъий равишда қурилган фавворалардир.

Мутахассиснинг маълумот беришича, Тошкентдаги илк фаввора 1890 йилда бунёд этилган. Ҳозирги Шароф Рашидов кўчаси ёнида жойлашган князь Романовлар саройининг ҳовлисида жойлашган. Уни аслида фаввора деб ҳам бўлмаган. Ҳовуз қурилиб, четларида қурбақаларнинг ҳайкалчалари ўрнатилган. Шу қурбақаларни оғзидан паст босимда сув ҳовузга оқиб турган. Бу Тошкентдаги биринчи фавворанинг илк намунаси сифатида тарихда қолган. Яна бир фаввора Амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи ҳовлисида жойлашган бўлиб, у жой рус маъмурининг саройи бўлган. Бу қурилма XIX асрга тегишли қадимий фаввора ҳисобланади. Нега буларни кўпчилик билмайди? Сабаби ўша давр фавворалари кўпинча саройлар ва шахсий ҳовлилар безаги сифатида қурилган. Шаҳарга кўрк бериш ёки ҳозиргидек ёзнинг иссиқ кунларида ҳавони салқинлаштириб туришга хизмат қилмаган.

– Фаввора деган тушунчани берадиган ҳақиқий тадбирлар 1938-1939 йилларга тўғри келади, – дейди Абдуманноп Зиёев. – Тошкент шаҳрида аввалги Миллий боғнинг кириш қисмида сунъий кўлни олдида ҳовузлар ташкил қилинган. Уларнинг четларига эса фавворалар қурилган. Уларни четларидан чиқиб турган трубалардан сувлар ёйилиб тушар эди. Ўртасидаги каттагина фаввораҳдан тепага сув отилиб чиқиб турган. Мана шу композиция жиҳатдан ростмана фаввора эди. Юртимизнинг иссиқ ва қуруқ иқлимида бу фавворалар шаҳар ҳавосини мўътадиллаштириб туриш вазифасини ҳам бажарган. Иккинчи катта фаввора 1947 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри олдида қурилган. Бу муҳандислик тарафдан ҳамма талабларга жавоб берадиган ҳақиқий фаввора эди. У диаметри 35 метрдан иборат саккиз қиррали ҳовуз сифатида қурилиб, четлари гранит тошлар билан қопланган. Атрофида 90 та кичкина трубалар жойлашган. Ўртасида миллийлигимизни англатиш учун пахта кўсаги шаклидаги асосий фаввора бўлиб, тепага босим билан 12 метргача баландликка сув отилган. Ўша пайтда бу фаввора Тошкент шаҳри аҳолиси томонидан катта воқеа сифатида кутиб олинган. Яна бир фаввора 1952-53 йилларда Хадра майдонида қурилган. Эни 15, узунлиги 55 метр бўлган. Унда 1320 га яқин кичкина фаввoрачалар бўлган. Ўртасидаги асосий фаввораҳдан 10 метргача сув отилар эди.

Мутахассиснинг айтишича, катта ва замонавий дизайндаги фавворалар асосан зилзиладан кейин қурила бошлаган. Энг каттаси, ҳозирги Мустақиллик майдонида 1970 йилда қурилган. Уни ҳам фаввора, ҳам шаршара дейиш мумкин. Бу Ўрта Осиёда энг катта 0,7 гектар ҳудудни эгаллаган ҳовузли фаввора ҳисобланган. Унинг тагида мураккаб муҳандислик қурилмалари бўлиб, улар орқали сув тозаланиб турилган. Ўша пайтда у ён-атрофдаги баланд қаватли бинолар учун кондиционер вазифасини бажарган.

2009 йилдан пойтахтимизда янги фавворалар қурилиши бошланди. Замонавий андозалар асосида янги таъмирланган “Саёҳат” меҳмонхонаси олдида илк бор ана шундай “мусиқали” фаввора қад ростлади. Мумтоз оҳанглар орқали бошқарилаётган ушбу фаввора қалбларга ўзгача шукуҳ олиб киради. Иккинчи “мусиқали” фаввора Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри атрофидаги фаввора бўлиб, унинг марказий қисмига ўзгартириш киритилмаган. Фақат атрофига кичик-кичик “рақсга тушаётган” фавворачалар гуруҳи ўрнатилган.

Ҳозирги кунда фавворалар ҳам муҳандислик, ҳам дизайн, ҳам ландшафт жиҳатидан ўзгача қиёфада барпо этиляпти. Уларнинг имкониятлари ҳам жуда кенг. Мустақиллик майдони, Сенат биноси ва Миллий кутубхона олдидаги фавворалар ажойиб шакл ва дизайнга эга бўлиб, юртдошларимизнинг энг севимли масканларига айланган. Қолаверса, сўнгги йилларда бунёд этилган ажойиб фавворалардан яна бири Тошкент Сити ҳудудидаги фаввoрадир. Бир-бирини такрорламайдиган ажойиб композицион тузилмага эга бўлган бу фаввора ҳақиқатан ҳам ғаройиб. У ҳозирча юртимиздаги энг замонавий ва мураккаб ишланган фаввора ҳисобланади. Фавворaларни назорат қилиш учун 2010 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан “Тошкент фаввораси” давлат унитар корхонаси ташкил этилган. Корхона ўз балансидаги фавворaларнинг мавжудларини таъминлаш, янгиларини ишга тушириш ва уларни назорат қилиш билан шуғулланади.

2019 йил 16 январда Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳридаги фавворалар ҳолатини яхшилаш ва реконструкция қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, “Тошкент фаввораси” давлат унитар корхонаси балансидаги фавворaларни капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ва реконструкция қилиш белгиланди. Шунингдек, фавворалар атрофидаги ҳудудларга шартнома асосида тижорат ва кўнгил очиш объектларини жойлаштириш, бунда давлат-хусусий шериклик тамойили билан тадбиркорлик субъектларига беғараз уч йилдан ўн йилгача бўлган муддатга топширилишга розилик берилди.

Яқиндагина нишонланган “Фавворалар сайли” ёшлар оммавий-маданий тадбирлари Симпозиумлар саройи, “Истиқлол” санъат саройи, олий ўқув юртлари олдидаги, маданият ва истироҳат боғларидаги фавворалар олдиларида ҳам кенг нишонланди. Пойтахтдаги фавворaларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар шакл ва мазмунан бир-бирини такрорламайди: бири гулга бурканган серфайз дарахтни, бири она сайёрамизни, бири улкан нилуфар гулни эслатса, яна бири маҳобатли шаршаралар каби кўзларни сеҳрлайди, яна бири эса кўкда парвоз этаётган оққушларни эслатади.

– Фавворалар атрофида сайр қилиш оилавий одатимизга айланган, – деди пойтахтлик Нигорахон Собитова. – Шу боис, уларнинг ишга тушишини интиқлик билан кутамиз. Бу соғлигимиз учун ҳам катта фойда, қолаверса, пойтахтимизнинг гўзаллиги, салқинлиги учун ҳам хизмат қилади. Шаҳримизнинг қайси ҳудудида янги фаввора очилса, албатта бориб, кўриб келамиз. Тошкент шаҳрига келган ҳар бир меҳмон албатта, фавворани томоша қилмасдан қайтиб кетмайди. Яқиндагина нишонланган “Фавворалар куни”да ҳам фарзандларимиз билан шаҳримиздаги деярли барча фавворaларни томоша қилиб, ҳордиқ чиқардик. Янада замонавий ва чиройли фавворалар кўпроқ қурилишини истаймиз.

Тинч ва осуда юртга байрамлар ярашади. Шундагина кишилар чин дилдан яйраб, ҳордиқ чиқаради. Бугун фаввора барпо этишнинг кўп асрлик анъаналари мазмунан янада бойитилди. Замонавий илм-фан тараққиёти туфайли анъанавий фавворалар ўрнини ранг-баранг чироқлар билан жиҳозланган ва мусиқали фавворалар эгаллади. Бундай фавворaларда сув шунчаки босим билан отилмайди, балки дастур ёрдамида сув оқими, чироқлар ва мусиқа уйғунлашиб, фусункор манзара ҳосил қилади. Чироқлар фавворaларнинг гўзаллигини намоён этади, ғаройиб тарзда уларни ўзгартиради ва кечки пайт янада ажойиб кўриниш олади.

Юртимиздаги фавворалар фаровонлик тимсоли сифатида юртдошларимиз қалбига завқ улашишда давом этаверсин.

# МАҲСУЛОТГА ХОРИЖДА ҲАМ ТАЛАБ КАТТА

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Республикамизда етиштирилиб, бозорларда тўкин-сочинлик манбаини таъминлашда муносиб ҳисса қўшаётган хурмо маҳсулотини барча севиб истеъмол қилади. Шифокорларнинг айтишича, тансиқ меванинг таркибида бир қанча витаминлар бўлиб, турли вируслардан ҳимояловчи, қариш жараёнини секинлаштирувчи ҳамда саратон хавфини камайтирувчи кучли антиоксидлар бор.**



Бундан ташқари, бета-каротин қуёш остида куйиб кетмасликка ёрдам беради. У терини ультрафиолет нурларининг зарарли таъсири, қуриш ва ёрилишдан ҳимоялайди. Унинг яна бир муҳим хислати – иммунитетни кўтаради, кўриш билан боғлиқ, суяклардаги оғриқлар ҳамда буйрак хасталигини келтириб чиқарувчи омилларга қарши кураша олади. Шунингдек, шамоллаш ва тумовнинг олдини олишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Хурмонинг дарахтидан мевасигача инсон организми учун кони фойда микроэлементлар бўлса-да, бироқ меванинг умри жуда қисқа, кузакда пишибоқ, узоқ борса, уч ойгача сақлаш мумкин. Шунинг учун бозорларда унинг нархи нисбатан анча арзон сотилади. Натижада айрим фойда кўролмаган соҳибкорлар хурмо дарахтини кесиб, ўрнига бошқасини экишга мажбур бўлишади. Айнан бу маҳсулот таърифини келтиришимизга сабаб бор, якунланган йилда хурмо мевасини қайта ишлаш бўйича битта лойиҳа амалга оширилди ва у боғбонларимиз учун янгилик бўлди.

Наманганнинг Чуст туманидаги Каркидон шаҳарчасида яшовчи Акмалжон Суюновга боғдорчилик соҳаси отамерос касбга айлангани учун турли хил дарахтларга пайванд солиб, улардан юқори ҳосил олишга одатланган. Тадбиркор боғбон хурмодан майиз тайёрлаб, уни узоқ муддат сақлаш ва ҳатто, хорижга экспорт қилиш йўлини ўйлаб топди. Бунинг учун Жанубий Кореяда кўрганлари ишбилармонлигида қўл келди.

Унинг айтишича, ўша жойда яшаган пайтида савдо дўконларининг бирида хурмо майизини кўриб қолади, нархи анча қиммат, мазаси эса ширин. Наҳотки, хурмо мевасидан шундай мазали майиз тайёрланса, деб ҳайратланган ва Ўзбекистонга қайтгач, албатта хурмо меваларини худди шундай қуритиб, майиз қилишни, йилнинг исталган фаслида халқимиз ундан баҳраманд бўлишини ният қилган экан.

Ишбилармон Намmanганга қайтгач, орзусини амалга оширишга ҳаракат қилди. Чин дилдан ишга киришилса, ҳар қандай орзу рўёб топаркан. Мақсадига эришишида Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги “Ёшлар академияси” томонидан эълон қилинган “Бўлажак олим” танлови муҳим роль ўйнади. Яъни вазирлик ўтказган тадбирда қатнашиб, 335 миллион сўмлик грантни қўлга кирди. Унинг лойиҳаси – хурмо мевасини пўстидан ажратиб, офтоб тафтида қуритиш бўлган. Тадбиркорнинг эътирофича, мевани майиз ҳолатига келтириш жараёни анчагина меҳнат талаб қилади. Биринчи галда хурмо махсус дастгоҳ ёрдамида пўстлоғидан ажратиб олиниши керак. Изланишдан эринмайдиган Акмалжон бунинг ҳам осон йўлини топиб, ихчам дастгоҳ яратади. Янги дастгоҳ 1 дона мевани уч сонияда пўстидан ажратиш имкониятига эга. Бундан ташқари олма, картошка, қизил лавлаги сингари бошқа турдаги маҳсулотларни ҳам пўстидан ажратиб бера олади.

Айни пайтда у фаолият олиб бораётган цехда ўзи яратган 7 та шундай дастгоҳ бор бўлиб, 20 нафардан зиёд ишчилар меҳнат қилишади. Муҳими, хорижий давлатларда хурмо мевасидан тайёрланган майизга эҳтиёж катта ва у юқори нархга баҳоланишини кўриб келган ишбилармон цехида тайёрланган маҳсулотлар сифатини ошириш ҳамда уларни сақлаш йўллари устида ҳам изланишлар қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорнинг саъй-ҳаракатлари якунланган йилиёқ кутилган самарани берди. Яъни, 18 тонна хурмони қуритиш ҳисобига ундан 5 тонна майиз олиб, Россияга экспорт қилди.

Шу ўринда яна мутахассислар фикрига қайтсак, серҳосил хурмонинг асосий хусусиятларидан бири – йодга бойлиги. Бу мева ва унинг майизи айниқса, Шарқий Осиё давлатларида жуда қимматбаҳо ҳисобланар экан, яъни бир дона хурмо ёки майизи катталигига қараб 1-4 долларгача сотиларкан. Гап, тансиқ мевани қайта ишлаб, уни сердаромад манбага айлантириш тўғрисида бораркан, бу жиҳатдан таклиф ҳам йўқ эмас.

Маълумки, хурмо маҳсулоти юртимиздан бошқа жойларда ҳам етиштирилади. Масалан, Озарбайжон Республикасида у биздагидан аввал ривожланган. Шу сабабли бу давлатда маҳсулотни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар фаолияти йўлга қўйилган ва улар аҳолидан маҳсулотни сотиб олиб қайта ишлайди, экспорт қилади. Ўзбекистонда ҳам мана шу сингари корхона ташкил қилиниб, хурмо майизини тайёрлайдиган рақобатбардош корхоналарга асос солинса, фойдадан холи бўлмасди. Зеро, ҳар йили вилоятларимизда минглаб тонна хурмо меваси пишиб етилиши инобатга олинса, у қайта ишланиб, экспортга йўналтирилса, иқтисодиётимизга бирмунча фойда келтирарди.

Газетамизнинг келгуси сони 2022 йил 24 май куни чиқади.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-543.
2221 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** –
А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 00.15.
Топширилди – 00.50.

1 2 3 4 5 6